

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚУТЛИМУРАТОВ ИЗЗАТБЕК ХУШНУДОВИЧ

**ЧИДАМКОРЛИКНИ УСТУВОР РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА
ФУТБОЛ ҲАҚАМЛАРИНИНГ МАХСУС ЖИСМОНИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ - 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Қутлимуратов Иззатбек Хушнудович

Чидамкорликни устувор ривожлантириш асосида футбол ҳакамларининг
маҳсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш.....3

Қутлимуратов Иззатбек Хушнудович

Совершенствование специальной физической подготовки судей по футболу
на основе преимущественного развития выносливости.....29

Khutlimuratov Izzatbek Xushnudovich

The Improving the special physical training of football referees based on the
priority development of endurance.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚУТЛИМУРАТОВ ИЗЗАТБЕК ХУШНУДОВИЧ

**ЧИДАМКОРЛИКНИ УСТУВОР РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА
ФУТБОЛ ҲАҚАМЛАРИНИНГ МАҲСУС ЖИСМОНИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2021.1.PhD/Ped.1848 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт
университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг
веб-саҳифасида www.uzdjtsu.uz ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида
(www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абидов Шавкат Усмонович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Кошбахтиев Ильдар Ахмедович
педагогика фанлари доктори, профессор
Акрамов Жасур Анварович
педагогика фанлари номзоди, профессор


Етакчи ташкилот:


Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети хузуридаги
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "23" "феврал" соат
12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри,
Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт:
www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт
университети "В" биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-
ресурс марказида танишиш мумкин (211868 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709,
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27,
факс: (0-370) 717-17-76

Диссертация автореферати 2022 йил "9" "феврал" куни тарқатилган.
(2022 йил "9" "феврал" да 7 рақамли реестр баённомаси)


М.Р.Болтабаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


М.Х.Миржамолов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

Ф.А.Керимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда футбол ўйинининг суръати футболчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини доимий ўсиб бориши билан боғлиқ бўлиб шу орқали майдондаги ҳаракатлар кўлами жадал ўсиб бормоқда. Ушбу омил футбол ҳакамларининг жисмоний тайёргарлигига ҳам юқори талабларни қўймоқда. “Ўйин шиддатининг ошириб бориши ҳакамларнинг ҳам жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш ва уларнинг ўқув машғулотлари сифатини яхшилаш талабини келтириб чиқармоқда”. Футбол ҳаками ўйин эпизодларида тўғри жой танлаши ва вазиятларни кетма-кетлигида юзага келтирадиган жараёнларни одилona баҳолай олиши муҳим аҳамият касб этади. Дунёда футбол ҳакамларининг ўйин фаолиятида ҳаракат самарадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича кўплаб тажрибалар тўпланган бўлиб уларнинг машғулот юкломаларини меъёрлаш ва тезкор футбол учрашувларига мувофиқ тарзда воситаларни оптималлаштириш долзарб муаммо саналмоқда.

Жаҳонда тадқиқотчи олимлар томонидан футбол ҳакамларини тайёрлашда жисмоний тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, уларнинг психофизик тайёрлаш, тактик тафаккурини ривожлантириш, функционал кўрсаткичларини ошириш бўйича кўплаб илмий ишлар амалга оширилмоқда. Футбол ривожланган мамлакатларда шиддатли ўйинларга мослашиш учун ҳакамларнинг замонавий футболни бошқариш имкониятлари илм фан ютуқлари билан чамбарчас боғлиқ. Тайёргарлик даври босқичларида чидамкорликни устувор ривожлантириш асосида ҳакамларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш, машғулот воситалари ва усулларини доимий такомиллаштириш зарур бўлиб, мазкур муаммо бўйича дунёда турли тажрибалар олиб боришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Республикамизда йиллик тайёргарлик циклининг турли босқичларида ҳакамларнинг жисмоний тайёргарлигини доимий назорат қилиш ва муаммоли жиҳатларни тезкор бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар етарлича ишлаб чиқилмаган. Мамлакатимизда футбол ҳакамларини тайёрлаш, ҳакамлик сифатини яхшилашга оид қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳани янада такомиллаштириш бўйича, жумладан ҳакамларнинг майдондаги ҳаракат самарадорлигини таъминлаш мақсадида ички биринчилик учрашувларида замонавий воситалар, яъни «“VAR” (видео ёрдамчи ҳакам) тизимини жорий этиш каби инновацион технологияларни қўллаш амалга оширилди».¹ Ушбу зарурият асосида ҳакамларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасини юқори савияда бўлиши муҳим омил саналади. Юртимизда футбол ҳакамларини тайёрлаш ва машқ қилдиришнинг замонавий усулларини татбиқ қилиш жараёни ташкил этилган. Бироқ, ҳакамларнинг тайёргарлик томонларини назорат қилиш ва ривожлантиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари деярли амалга оширилмаган. Бу ҳолат шундан

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887-сонли Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 6 декабрь, 252-сон

далолат берадики, мазкур соҳа бўйича амалга оширилиши лозим бўлган барча илмий диссертация ишлар соҳани янада ривожлантириш ва унинг илмий негизларини шакллантиришга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 декабрдаги ПФ-5887-сон «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018-йил 16-мартдаги ПҚ-3610-сон «Футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Биз томонимиздан мавзуга оид илмий-услубий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, спорт соҳасида ҳакамларнинг тайёргарлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ватанимиз олимларидан Ш.Х.Исроилов волейбол спорти ҳакамларининг ҳаракат фаолиятини ўрганган бўлиб мазкур иш мамлакатимизда ягона диссертация иш ҳисобланади.² Футбол ҳакамларини тайёргарлиги ошириш ва назорат қилишга қаратилган тадқиқотлар жаҳон тажрибасида етарлича амалга оширилган бўлиб уларни таҳлил қилиш муаммони ҳал этишга қаратилган фикрларни умумлаштиришга хизмат қилади.

Чет эл олимлари томонидан учрашувларни бошқариш пайтида ҳакамлар томонидан йўл қўйилган хатолар кўпинча жисмоний тайёргарликнинг етарли эмаслиги билан боғлиқлиги бўйича С.Г.Хусаинов, футболда профессионал ҳакамларни тайёрлашнинг долзарб масалалари бўйича А.Н.Спирин, футбол мусобақаларида ҳакамлик қилишда ҳаракат ва позицияни танлаш бўйича ҳакамларнинг жисмоний тайёргарлиги ва профессионал интеллектини диагональ ҳакамлик тизимининг имкониятларини амалга ошириш шартлари бўйича А.Д.Будогосскийлар тадқиқот олиб борганлар³.

²Исроилов Ш.Х. Волейбол спорти ҳакамларининг ҳаракат фаолиятини ўрганиш «Ita-Press» 2014. Б. 238-249

³Хусаинов С.Г. Актуальные вопросы подготовки профессиональных арбитров в футболе // Теория и практика футбола. 2001. № 1. С. 21-23., Спирин А.Н. Движение и выбор позиции в судействе соревнований по футболу. М., 2003. 37 с. Будогосский А.Д. Физическая подготовленность и профессиональный интеллект арбитров как условия реализации возможностей диагональной системы судейства // Теория и практика футбола. М., 2004. №3. С. 20-24

Бундан ташқари футбол ҳакамларининг профессионал тайёргарлиги жараёнини ташкил этишнинг ташкилий-педагогик жиҳатлари бўйича, дастлабки машғулотлардаги футбол ҳакамларининг кўникмаларини шакллантириш бўйича Е.А.Турбин, футбол ҳакамларининг касбий аҳамиятга эга психофизиологик фазилатларини ривожлантириш бўйича А.В.Шибоевлар ҳам тадқиқотларни амалга ошириб ушбу соҳанинг илмий негизини шакллантиришга улкан ҳисса қўшганлар⁴.

Дунёнинг футболни тараққий этган давлатларида ҳам футбол ҳакамларининг ҳаракат фаолиятини назорат қилиш бўйича қатор тажрибалар ўтказилган. Айниқса, футбол ҳакамларининг физиологик ва психологик тайёргарлиги бўйича бой тажриба тўпланган. Жумладан Folkesson, P., Nyberg, Ahmed H., Davison G, Castagna C., Abt G., D'Ottavio S каби олимлар айнан шу йўналишга оид тажрибаларни амалга оширганлар.⁵

Айни пайтда адабиётларда футбол ҳакамларининг йиллик циклдаги жисмоний тайёргарлигининг илмий асосланган методикаси мавжуд эмас. Уларни қўллаш учун етарли илмий асосга эга бўлмаган машғулот режалари ва услубий йўриқномаларнинг фақат кичик қисмлари мавжуд холос. Шу билан бир вақтда футбол ҳакамларининг профессионал ҳаракат фаолиятини тавсифловчи кўплаб масалалар етарлича ўрганилмай қолмоқда.

Илмий адабиётларда футбол ҳакамларининг жисмоний тайёргарлик методикасини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши лозим бўлган ҳакамларнинг ҳаракат фаолиятини тавсифловчи маълумотлар тўлиқ келтирилмаган. Футбол ҳакамларининг жисмоний тайёргарлик даражасини синовдан ўтказиш учун тавсия этилган назорат меъёрлари профессионал фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ акс эттирмайди. Ўйин вақтида ҳакамнинг фаолияти майдонда доимо ўзгариб турадиган вазиятлар билан боғлиқ бўлиб, психофизиологик сифатларни намоён этишни талаб қилади. Мазкур меъёрлар эса, асосан махсус чидамликни намоён қилиш билан боғлиқ жисмоний тайёргарликни акс эттиради. Бундан келиб чиқадики, футбол ҳакамлари учун уларнинг ҳаракат фаолияти хусусиятларини акс эттирувчи янги назорат меъёрларини ишлаб чиқиш зарур.

Бу меъёрларнинг аксарияти ҳакамларнинг махсус чидамкорлиги асосида бошқа тайёргарлик турлари билан мутаносиб кўринишда бўлмоғи зарур. Зеро чидамкорликни устувор ривожлантириш ўйин вазиятларининг турли қисмларидаги ҳар хил шиддатда намоён бўладиган эпизодларни доимий назорат қилиш мумкиндир.

⁴Турбин Е.А. Формирование специальных навыков футбольных арбитров начальной подготовки: автореф. дис. канд. пед. наук. Малаховка, 2009. 30 с. Шибоев А.В. Развитие профессионально значимых психофизиологических качеств футбольных арбитров: автореф. дис. канд. пед. наук. Малаховка, 2009. 23 с.

⁵ Folkesson, P., Nyberg, C., (2002). Soccer referees' experience of threat and aggression: Effects of age, experience, and life orientation on outcome of coping strategy. *Aggressive Behavior*, 28, 317–327, Ahmed H., Davison G., Dixon D. (2017) Analysis of activity patterns, physiological demands and decision-making performance of elite Futsal referees during matches. Castagna C., Abt G., D'Ottavio S. (2007) Physiological aspects of soccer refereeing performance and training. 2007. С. 625-646.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий-тадқиқот истиқболли ишлари режасининг № V-1-17 «Малакали футболчиларни тайёрлаш ва уларнинг профессионал маҳоратини оширишда янги самарали услубларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади футбол ҳакамларининг чидамкорлик сифатини ривожлантиришга қаратилган йиллик машғулот режаси ва машқлар мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

футбол ҳакамларининг йиллик ўқув машғулотлар режасини ишлаб чиқиш орқали тезкор-чидамкорлигини такомиллаштириш;

футбол бўйича бош ҳакамларни йиллик тайёргарлик циклида мусобақа даврининг тузилиши, ўйинларнинг узоқ давом этишидан келиб чиқиб самарадорликни сақлаб қолишга қаратилган машғулотларини такомиллаштириш;

ёрдамчи футбол ҳакамларини майдон бўйлаб ўйин давомидаги вазиятларни аниқлаш учун умумий ва махсус чидамкорликни ривожлантиришга қаратилган индивидуал ва гуруҳли машғулотларни такомиллаштириш;

1-2 тоифали футбол ҳакамларнинг тайёргарлик даврида функционал имкониятларини инобатга олган ҳолда ҳафталик ва ойлик микроциклларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида футбол бўйича бош ва ёрдамчи ҳакамлар билан олиб бориладиган ўқув-машғулотлар жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини футбол ҳакамларининг махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш воситалари ва услубларидан фойдаланиш жараёни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, педагогик кузатув, анкета сўрови, педагогик назорат, педагогик тестлаш, эксперт баҳолаш услуби, инструментал услуб, педагогик тажриба, математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

футбол ҳакамларининг махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш учун йиллик машғулот циклининг умумий машқлар ҳажмидан келиб чиқиб ўйин юкласидаги интенсив югуриш машғулотларини ўзгарувчан машқ методида стандарт (аниқ белгиланган масофа ва вақтни белгилаш) интерваллар орқали махсус тайёргарлик тизимига киритиш ҳисобига тезкор-чидамкорлик сифатлари такомиллаштирилган;

футбол бўйича бош ҳакамларни йиллик тайёргарлик циклида мусобақа даврининг тузилиши ўйинлар оралиғидаги тигиз вақт ва айрим ўйинларнинг узоқ давом этишидан келиб чиқиб қўшимча дақиқаларда ўйин суръати бўйича самарадорликни сақлаб қолиш учун компенсацияланган чарчоқ босқичида

организмнинг энергетик ва функционал салоҳиятини тежаб ишлатишга қаратилган “Ҷо-Ҷо” машғулотларини киритиш ҳисобига ўйин тизгинини бошқариш имконияти такомиллаштирилган;

футбол ҳакамларини майдон бўйлаб ўйин давомидаги вазиятларни аниқлаш, жараёнларга яқинроқ бўлиши учун умумий ва махсус чидамкорликни ривожлантиришга қаратилган индивидуал ва гуруҳли машғулотларни таъсир этиш даражаларига кўра ёрдамчи ҳакамларга “ARIET”, “CODA” тезлик чидамлилиқ машғулотини қатъий регламентлаштирилган метод бўйича киритиш ҳисобига мушак фаолиятида жисмоний чарчашга қарши тура олиш қобилияти такомиллаштирилган;

1-2-тоифали футбол ҳакамларининг тайёргарлик даврида функционал имкониятларини инобатга олган ҳолда ҳафталик ва ойлик микроциклларда такрорий усулдан фарқли ўлароқ интервалли “спринт” машғулотларни ишлаб чиқиш (қисқа масофаларда ҳар бир машқ орасида дам олишни белгилаш) ҳисобига ўйин давомида темпни туширмасдан иш бажариш самарадорлиги оширилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

йиллик тайёргарлик цикларида футбол ҳакамларининг махсус жисмоний тайёргарлигини баҳолашга қаратилган самарали тестлар аниқланган;

футбол ҳакамларининг махсус жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган машқлар комплекси ишлаб чиқилган;

йиллик тайёргарлик цикларида футбол ҳакамларининг махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш услубияти ишлаб чиқилган ва самарадорлиги тажрибада исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги республикамиз ҳамда чет эл олимлари, шунингдек, хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил усуллари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида футбол ҳакамларининг махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш учун танланган воситалар ва уларни қўллаш услубларининг илмий асосланганлиги ушбу соҳадаги маълумотларни, назарий билимларни бойитиш ва кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар футбол ҳакамларининг

машғулотларини ташкил этишда юкламаларни меъёрлаш, махсус жисмоний тайёргарлик даражасини назорат қилиш учун ишончли тестлардан фойдаланиш, тайёргарликнинг турли даврлари ва босқичларидаги микроциклларни тузишда машғулот вариантларини қўллаш, мусобақаларда ҳаракат фаолияти самарадорлигини оширишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Футбол ҳакамларининг чидамкорлигини ривожлантириш орқали махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган тажриба тадқиқотлари асосида:

футбол ҳакамларининг йиллик тайёргарлик босқичларида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда махсус жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашнинг янги меъёрларини ишлаб чиқиш орқали махсус чидамкорлиги такомиллаштирилиб таклиф ва тавсиялар «Спорт педагогик маҳоратини ошириш» (футбол) футболнинг ривожланиш тарихи, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш. Ҳакамлик қилиш услубияти номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-рақамли буйруғи асосида 500-194 рақамли гувоҳнома). Натижада футбол ҳакамларининг махсус чидамкорлиги 13,5-14,7% га яхшиланган;

мусобақа фаолияти тузилиши асосида футбол ҳакамларининг махсус жисмоний тайёргарлигини оширишга қаратилган дастур бўйича воситаларнинг меъёрий кўрсаткичларини оптималлаштириш асосида «Спорт педагогик маҳоратини ошириш» (футбол) футболнинг ривожланиш тарихи, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш. Ҳакамлик қилиш услубияти номли ўқув қўлланма нашр этирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-рақамли буйруғи асосида 500-194 рақамли гувоҳнома). Натижада футбол ҳакамларининг чидамкорликка йўналтирилган воситаларнинг тайёргарлик даврларидаги оптимал меъёрлари 15-20 % ҳажмда белгиланган;

умумий ва махсус чидамкорликни ривожлантиришга қаратилган воситаларни таъсир этиш даражаларига кўра тақсимлаш орқали гуруҳли ва индивидуал машғулотлар турли вариантларда футбол ҳакамларининг ўқув-машғулотлари жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 26 октябрдаги 03-17-02/9576 рақамли маълумотномаси). Натижада футбол ҳакамларининг махсус жисмоний тайёргарлиги 16,5-17,35% га яхшиланган;

футбол ҳакамларининг махсус чидамкорлигини ўйин вазиятларини моделлаштириш асосида ривожлантириш усулларини такомиллаштиришга доир материаллар асосида «Спорт педагогик маҳоратини ошириш» (футбол) футболнинг ривожланиш тарихи, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳакамлик қилиш услубияти номли ўқув қўлланма нашр этирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-рақамли буйруғи асосида 500-194 рақамли гувоҳнома). Натижада ҳакамларнинг ўйин фаолиятидаги ҳаракат фаолияти самарадорлиги 13,4-14,2% гача ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларида 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 169 бетни ташкил этиб, 38 та жадвал, 15 та диаграмма, 14 та расм ва жорий этиш далолатномаларини ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Замонавий адабиётларда футбол ҳакамларини тайёрлашдаги муаммоларнинг ўрганилганлик ҳолати ва унинг методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида футбол ҳакамларини тайёрлашдаги муаммолар, бош ва ёрдамчи ҳакамлар машғулот жараёни хусусияти ва йўналиши бўйича ҳар хил восита ва усуллардан фойдаланиш, воситаларини таснифлаш ва ўқув-машғулот жараёнида аниқ атамалар қўллаш, бош ва ёрдамчи ҳакамларда чидамкорликга йўналтирилган воситаларнинг меъёр ва ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар кенг ёритиб берилган.

Футбол бўйича адабиётларни ўрганиш жараёнида ҳакамларнинг махсус жисмоний тайёргарлигида чидамлилиқ қобилиятини аниқлаш бўйича меъёрлар ишлаб чиқилган бўлсада уни амалиётга жорий қилиш муаммоли жиҳат бўлиб қолмоқда. Ўрганилаётган муаммо бўйича янги назорат меъёрларининг амалиётга жорий қилиш бўйича мавжуд тавсиялар мамлакатимизда ҳакамларни тайёрлаш жараёнига татбиқ этилмай қолаётганлиги бу тизимда ислохотлар олиб боришга эҳтиёж борлигини белгилайди.

А.Н. Спирин фикрига кўра, ҳакамнинг қарорлари асосий назорат ричаги бўлиб, улар мезонларга ва ёндашувга асосланган ҳамда коммуникатив бўлса тўлиқ бўлади. Ҳакамнинг мезонлар ёндашуви асосида қабул қилган қарорлари

ўйин иштирокчиларига алоқа боғламалари орқали етказилади ва улар томонидан амалга оширилиши лозим. Ҳакамнинг ўз қарорини қандай қабул қилганини баҳолаб "ҳисобот" олади, бошқарув жараёнига қайта жалб қилади ва кейинги қарорларни қабул қилади.

Бизнинг фикримизга кўра биринчи навбатда ҳакамлик мотор фаолияти ўйинлари давомида футболчилар ҳаракатларини бажаришга боғлиқ. Яъни ўйин давомида уларнинг зиддиятли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш ҳамда майдон бўйлаб ҳаракатланиш диапазонида боғлиқ. Ҳакамлик пайтида ҳакамнинг ҳаракати маълум бир диагональ векторга асосланган (ҳакамликнинг диагональ тизими) футбол мусобақалари ҳакамлигида ҳаракат ва позицияни танлаш бўйича ўйин давомида ҳакамлар томонидан позиция ва ҳаракат йўналишини танлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

М.С. Бриль, А.Д. Будогосскийларнинг фикрига кўра жисмоний фитнес ва диагональ ҳукм тизими имкониятларини амалга ошириш учун шароитлар сифатида ҳакамлар профессиональ бўлишлари лозим. Битта ёрдамчи ҳакам билан доимо визуал алоқани сақлаб туриш, шунингдек, содир бўладиган ўйин эпизодларини тўғри баҳолаш учун диагональ вектордан ҳаракат қилиб, энг оптимал ҳолатни эгаллаш лозим.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг усуллари ва ташкил қилиниши» деб номланган иккинчи бобида ҳакамларнинг махсус жисмоний тайёргарликда чидамлик қобилиятларини ривожлантиришга оид илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатиш, педагогик назорат, педагогик тестлаш, анкета сўрови, эксперт баҳолаш усули, инструментал усуллари, педагогик тажриба, математик статистика услублари тадқиқотнинг ташкил қилиш юзасидан маълумотлар баён этилган.

Мазкур диссертация тадқиқотларини ташкил этиш 3 та босқичда амалга оширилди:

I босқичда (2015-2019 йиллар) мавзуга оид меъёрий ҳужжатлар, йиллик тайёргарлик дастурлари режалари, илмий-услубий адабиётлар ҳамда статистик маълумотлар қиёсий таҳлил асосида ўрганилди. Таҳлил асосида ўрганилган илмий услубий адабиётлар ва статистик маълумотлар қиёсий таҳлил асосида ўрганилди, тадқиқот натижалари етакчи олимларни фикр мулоҳазалари асосида диссертация ишининг мақсади ва вазифалари белгиланиб, тадқиқот услублари ҳамда дастлабки тадқиқотлар ўтказилди.

II босқичда (2019-2020 йил, январь-август) тажриба олди тадқиқотлари ўтказилди. Ҳакамларнинг йиллик тайёргарлик дастурлари, машғулотлар сони, машғулотлар ҳажми, машғулот шиддати, мазмуни ва йўналиши, мусобақалар натижаси жисмоний ва функциональ тайёргарлиги ҳамда уларни шаклланиш динамикаси ўрганилиб, педагогик кузатув остига олинди. Бу босқичда ҳакамларнинг махсус жисмоний тайёргарлик босқичларида чидамлик қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган воситалар ва уларнинг ҳажми таҳлил қилинди.

III босқичда (2021-йил январь ойидан 2021-йил август ойигача) педагогик тажриба ўтказилди. Педагогик тажрибада тажриба ва назорат гуруҳларига

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳакамлар ва назоратчилар тайёрлаш департаментининг 50 нафар бош ва ёрдамчи ҳакамлари жалб қилинди. Ҳакамларнинг махсус жисмоний тайёргарлигида чидамлик қобилиятларини ривожлантиришга махсус машқлар таъсири педагогик тажрибаларда аниқланди. Бундан ташқари уларнинг мусобақа фаолияти кўрсаткичлари ўрганилди.

Диссертациянинг «**Бош ва ёрдамчи ҳакамларнинг махсус жисмоний тайёргарлигида махсус тестлар орқали чидамлик сифатларини такомиллаштириш механизмлари**» деб номланган учинчи бобда дастлаб, Ўзбекистон Футбол Ассоциацияси ҳакамлар ва назоратчилар тайёрлаш департаменти ҳакамлари ва мутахассислари ўртасида чидамкорлигини устувор ривожлантириш асосида махсус жисмоний тайёргарликни такомиллаштириш борасида мутахассислар тажрибасини (анкета сўрови асосида) умумлаштириш бўйича маълумотлар келтирилди. Сўровномада иштирок этган респондентлардан олинган жавобларни таҳлил қилиш қуйидагиларни аниқлаб берди.

Дастлабки «Чидамкорликни устувор ривожлантириш асосида ҳакамларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш самара беради деб ўйлайсизми?» деган саволга 40 та респондент (80%) чидамкорликни устувор ривожлантириш асосида ҳакамларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш самара беришини таъкидлаган бўлса, 10 та респондент (20%) эса тестлар самара бермаслигини таъкидлаб «Йўқ» жавобини берганлар.

«Амалдаги назорат машқларидан қайси бири махсус чидамкорликни аниқ баҳолаш имконини беради?» деган саволга берилган жавобларда 42 та респондент (84%) Ҳо-Ҳо тестлар чидамкорликни устувор ривожлантириш асосида махсус жисмоний тайёргарликни такомиллаштиришга ёрдам беради, деб ҳисоблаганса, 8 та респондент (16%) бунинг аксини таъкидлаб, «Йўқ» жавобини беришган.

«Футбол ҳакамларининг тайёргарлик томонларини такомиллаштиришга қаратилган илмий манбалар билан танишмисиз?» деган саволга 14% фоиз –7 нафар респондент «ҳа» деб жавоб беришган бўлса; - 43 нафар респондент 86% фоиз Футбол ҳакамларининг жисмоний тайёргарлик томонларини такомиллаштиришга қаратилган илмий манбалар билан танишмисиз деган саволга «йўқ» деб жавоб беришди. Айнан шу ҳолат ҳакамларда чидамкорликнинг устувор ривожлантириш асосида махсус жисмоний тайёргарликни ривожлантириш йўллари деярли ўрганилмаганлиги диссертация ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Бош ҳакамларни ҳаракат фаолиятларини ўрганишда уларнинг майдонда босиб ўтган масофалари ўрганилиб халқаро миқёсдаги модел кўрсаткичлар билан таққослаш амалга оширилди. Жумладан А.Н-в кузатилган 11 та учрашувда ўртача 7211,5 метр масофани босиб ўтган. Бу натижа модел кўрсаткичдан (-314,8) метрга фарқли эканини кўрсатди. Қолган ҳакамларнинг натижалари қуйидагича кўриниш олди: И.И-в 13 та ўйин 7114,1 м (-412,2м), Р.Ч-в 10 та ўйин, 7316,5 (-209,8), А.Р-в 7219,9м (-307,2м), А.Х-в 9 та ўйин,

7121,6 м (-404,2м), Т.С-в 11 та ўйин, 7344,2 (-184,3м), Р.Л-н 9 та ўйин, 7287,0 м (239,3м), Р.К-в 12 та ўйин 7421,6 м (-239,3м) масофани босиб ўтишган.

1-жадвал

Бош ҳакамларнинг майдонда босиб ўтган масофаларини ўрганиш натижалари (метр)

Ҳакамлар Ф.И.Ш	тоифаси	Майдонда босиб ўтилган масофаси	Ҳакамлар Ф.И.Ш	тоифаси	Майдонда босиб ўтилган масофаси	Модел кўрсаткичдан фарқи (7526,3±334,7)	
						Т.Г	Н.Г
Т.Г		\bar{X}	Н.Г		\bar{X}	Т.Г	Н.Г
Н-в	1	7211,5	К-в	1	7245,4	314,8	281,1
И-в	1	7114,1	Ж-в	2	7215,3	412,2	311
Ч-в	1	7316,5	К-в	1	7211,9	209,8	314,4
Р-в	1	7219,9	Н-в	1	7126,2	307,2	400
Х-в	2	7121,6	И-в	1	7314,6	404,2	211,7
С-в	1	7344,2	Р-в	1	7244,5	184,3	281,8
Ш-в	2	7298,7	Д-в	2	7213,4	227,6	312,9
Н-в	1	7333,5	Ф-в	1	7267,2	198,8	259,1
Т-в	2	7319,1	А-в	2	7216,4	207,2	309,4
Л-в	1	7287,0	Г-в	2	7324,1	239,3	208,2
\bar{X}		7256,6	\bar{X}		7240	281,0	298,3

Ҳакамлар ҳаракат фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатдики, 1-2-лигаларда фаолият олиб бораётган ҳакамларимизнинг турли ўйинларда майдонда босиб ўтган масофалари уларнинг жисмоний имкониятлари даражасини белгилаб берди. Зеро юқори жисмоний тайёргарликка эришиши спорт амалиётида маълум ҳаракат доирасини кенгайтириб уларнинг ҳаракат фаолияти ҳажмини оширишни таъминловчи асосий восита ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Чидамкорликни устувор ривожлантириш асосида футбол ҳакамларини махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича восита ва усуллар самарадорлигини экспериментал асослаш**» деб номланган тўртинчи бобида футбол бўйича ҳакамларнинг ўқув машғулотларини ташкил этишда юкламаларни меъёрлаш воситаларини татбиқ қилиш ва қайта натижалар орқали тажриба самарадорлигини асослашга қаратилган материаллар акс эттирилган.

Тажриба гуруҳидаги ҳакамларнинг машғулот юкламаларини татбиқ қилиш давомида жами 23 ҳафталик микроцикллар татбиқ қилинган. Демак 1-ва 3-микроциклларда умумий югуриш ҳажми 80 км ни ташкил этиши лозим бўлади. Ушбу ҳафталарда интенсив югуриш юкламаси 6-7 км, чидамкорлик юкламаси 4-5 соат, ўйин юкламаси 5 соат ҳажмда белгиланиши керак бўлади. Феврал ойида 4-7 ҳафталик микроциклларда умумий югуриш ҳажми 140-145 км ни ташкил этди. Интенсив югуриш юкламаси 10-12 км, чидамкорлик юкламаси 6 соат, ўйин юкламаси 9 соатни ташкил этди. Март ойида жами 125-140 км умумий югуриш ҳажми, интенсив югуриш юкламаси ҳажми 8-9 км, чидамлилик юкламаси 3 соат, ўйин юкламаси ва вазиятли машқлар 7 соатни ташкил этди. Ушбу ойда чемпионат ўйинлари бошланиб 28-30 соат давомида ҳакамлик фаолияти олиб борилди.

2-жадвал

Тажриба гуруҳи ҳакамларининг чидамкорликни ошириш учун ишлаб чиқилган машғулот режаси.

Ой (хафта №)	Январь (1-3)	Февраль (4 - 6)	Март (7 - 11)	Апрель (12 - 15)	Май (16 - 19)	Июнь (20 - 23)
Умумий югуриш ҳажми, (км)	80-90	140-145	125-140	100-110	110-120	130-140
Интенсив югуриш юкламаси ҳажми, (км)	6-7	10-12	8-19	3-4	4-5	7-8
Чидамлилиқ юкламаси ҳажми, (соат)	4-5	6	3	2	2	2-3
Ўйин юкламаси ва вазиятли машқлар ҳажми, (соат)	5	9	7	3	6	8
Мусобақаларга ҳакамлик, қилиш, ҳажми, (км)	0	0	12-22	35-40	45-50	0

Футбол ҳакамларини тайёрлаш йиллик машғулот циклининг барча давларида қўлланиладиган усуллар нисбати турлича бўлиши мумкин. Бироқ, улар бир-бирини тўлдириши керак. Юқори натижаларга эришиш тайёргарликнинг турли давр ва босқичларида фақатгина биттасига урғу берилладиган усуллардан мажмуали фойдаланишга боғлиқ.

3-жадвал

Тажриба гуруҳи футбол ҳакамларининг ўқув машғулотларига татбиқ қилинган махсус жисмоний тайёргарликни такомиллаштиришга қаратилган индивидуал машқлар мажмуаси

Машқ	Бажариш вариантлари	Жисмоний тайёргарлик
-Майдон бўйлаб ўйин давомидаги вазиятларни аниқлаш (тестлар): -Узоқ масофаларга югурган ҳолда; -Майдон марказидан югурган ҳолда жарима майдони ичидаги ҳолатни аниқлаш; -Ўйин тизгинини қўлдан чиқазмаслик, ўйинга таъсир қилмаган ҳолда;	-Хар-хил ҳолатларда; -югуриш диапазонларини ўзгартириб; -тезликни ўзгартириб, кузатишни кучайтирган ҳолда; -Битта ўзи, шериклари билан;	Махсус жисмоний тайёргарликни ривожлантириш махсус машқлар орқали.
75 метр масофага хар хил усуллар билан югуриш (югуришни бошлаш, секин югуриш, тезлик,) ҳолатда 3-4 марта;	-такрор бажариш; -хар 20 метр масофага югуришни ўзгартирган ҳолда;	Умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик, тезкор-чидамкорликни ривожлантириш
40 метр масофага спринт югуриш, (моксимон югуриш) 4 марта 2 та серия дам олиш оралик 10 секунд;	-Югуришни ўзгартирган ҳолда; -10 метр масофага фишкалар қўйилади, биринчи фишкага югурилади, кейинги марта югуришда иккинчи фишкага югурилади шу ҳолатда давом эттирилади; -10 метр масофага спринт югуриб орқага юриб қайтилади;	Махсус жисмоний тайёргарлик, тезкор-кучни ривожлантириш

Футбол ҳакамларини тайёргарлик даврида ҳафталик микроцикларнинг тузилиши

душанба	Аэроб югуриш 5 - 6 км, ЮҚЧ 130 - 140 зарба/дақ.	
	Биринчи ва иккинчи ҳафта	Қорин мушаклари, бел мушаклари, қўл мушакларини ривожлантиришга йўналтирилган куч машқлари мажмуаси.
	Учинчи ҳафта	10 - 12 марта 60 - 80 м дан (максимал тезликнинг 90 - 95% идан, ЮҚЧ нинг 120-130 зарба/дақ. гача тикланиши.
	Тўртинчи ҳафта	8 - 10 марта 40 - 60 м дан (максимал тезликнинг 90 - 95% идан, ЮҚЧ нинг 120-130 зарба/дақ. гача тикланиши.
Қизиб олиш 1 км		
сешанба	Аэроб югуриш 5 - 6 км, ЮҚЧ 150 - 160 зарба/дақ.	
	Биринчи ва иккинчи ҳафта	Оёқ мускулларини (тос-сон олд ва орқа юзаси мушаклари, думба мушаклари, болдир мушаклари) ривожлантиришга қаратилган куч машқлари мажмуаси.
	Учинчи ва тўртинчи ҳафта	Махсус сакраш машқлари мажмуаси (тўртинчи ҳафтада сакраш машқлари кичик ҳажмда бажарилди).
Қизиб олиш 1 км		
чоршанба	Дам олиш	
пайшанба	Биринчи ва тўртинчи ҳафта	Аэроб югуриш 8 - 12 км, ЮҚЧ 130 - 150 зарба/дақ.
	Иккинчи ҳафта	Аэроб югуриш 3 - 4 км, ЮҚЧ 130 - 150 зарба/дақ. Юқори суръат билан югуриш 2 - 3 км, ЮҚЧ 160 - 170 зарба/дақ.(масофа якунида (финиш) 185 - 195 зарба/дақ. гача етиши мумкин)
	Учинчи ҳафта	Аэроб югуриш 3 - 4 км, ЮҚЧ 130 - 150 зарба/дақ., 8 - 10 марта 200 м дан, кувват таъминотининг аралаш тартибида югуриш, ЮҚЧ 165 - 175 зарба/дақ (тренировка машғулотлари охирида янада юқори қийматларга етиши мумкин), тикланиш 1-1,5 дақ.
	Қизиб олиш 1 км	
Аэроб югуриш 5 - 6 км, ЮҚЧ 130 - 150 зарба/дақ.		
жума	Биринчи ҳафта	Оёқ мускулларини (тос-сон олд ва орқа юзаси мушаклари, думба мушаклари, болдир мушаклари) ривожлантиришга қаратилган куч машқлари мажмуаси.
	Иккинчи, учинчи ва тўртинчи ҳафта	Махсус сакраш машқлари мажмуаси (тўртинчи ҳафтада сакраш машқлари кичик ҳажмда бажарилди).
	Қизиб олиш 1 км	
шанба	Аэроб югуриш 8 - 12 км, ЮҚЧ 130 - 150 зарба/дақ.	
якшан	Дам олиш	

Битта мезоцикл ишлаб чиқилди. У биринчи тайёргарлик даврининг

асосий ва махсус тайёргарлик босқичларида қўлланилган барча ўқув воситаларини ўз ичига олди. У тўртта микроциклдан иборат бўлди. Ҳар бир микроцикл беш кунлик машғулот ва икки кунлик дам олишдан иборат. Тўртинчи ҳафтада тикланиш микроцикллари кўзда тутилди. Иккинчи тайёргарлик даврида қўлланилган методиканинг самарадорлиги “Ҳо-Ҳо” тести ва футбол ҳакамлари учун махсус ишлаб чиқилган вазиятли назорат меъёрларидан фойдаланган ҳолда баҳоланди. Тадқиқотнинг бу босқичида вазиятли назорат меъёри синовдан ўтказилди.

Синов иккинчи тайёргарлик даврининг биринчи ҳафтаси бошланишидан аввал ва охири (тикланиш) ҳафтаси охирида ўтказилди.

5-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳи бош ҳакамларнинг 10 та ўйинда майдонда босиб ўтган масофаларини тажриба давомидаги ўзгариш динамикаси (Метр)

Ҳакам -лар Ф.И. Ш	тоифаси	Ўйинлар сони	т.б. майдонда босиб ўтилган масофа учун		т.о. майдонда босиб ўтилган масофа учун		t	p
			\bar{X}	σ	\bar{X}	σ		
Нazorat гуруҳи								
К-в	1	10	71745,39	3316,72	74347,14	3184,63	1,79	>0,05
Ж-в	2	10	68215,75	2754,46	70303,84	2484,93	1,78	>0,05
К-в	1	10	74411,58	1903,26	76192,88	1809,47	2,14	<0,05
Н-в	1	10	75426,37	3509,34	78257,43	3538,57	1,80	>0,05
И-в	1	10	71316,69	2784,96	73489,36	2697,84	1,77	>0,05
Р-в	1	10	68244,37	3167,49	70827,68	3217,68	1,81	>0,05
Д-в	2	10	76243,68	4044,36	79523,86	4136,97	1,76	>0,05
Ф-в	1	10	72267,73	2094,73	74217,59	1982,18	2,14	<0,05
А-в	2	10	69216,48	3214,56	71818,67	3184,38	1,82	>0,05
Г-в	2	10	76364,37	2696,84	78906,37	2648,64	2,13	<0,05
\bar{X}			72336,19	3003,43	74846,63	3097,67	1,84	>0,05
Tажриба гуруҳи								
Н-в	1	10	73311,83	3364,76	78753,69	3216,59	3,70	<0,01
И-в	1	10	69114,38	2734,63	73510,87	2484,93	3,76	<0,01
Ч-в	1	10	75256,73	4276,44	83638,46	4118,49	4,46	<0,001
Р-в	1	10	69152,44	4764,26	77084,28	4693,86	3,75	<0,01
Х-в	2	10	69136,39	3187,43	74187,36	2797,46	3,77	<0,01
С-в	1	10	75146,36	3275,97	80645,37	3205,84	3,79	<0,01
Ш-в	2	10	68084,57	4176,85	75128,36	4136,97	3,78	<0,01
Н-в	1	10	75278,89	3486,68	82646,36	3586,27	4,66	<0,001
Т-в	2	10	67483,94	3466,44	73396,48	3509,37	3,79	<0,01
Л-в	1	10	75098,47	2696,84	79594,46	2648,64	3,76	<0,01
\bar{X}			71755,41	3199,09	78130,22	3692,86	4,33	<0,001

Изоҳ: т.б. - Тадқиқот боши, т.о. - Тадқиқот охири.

2018-2019 йилги мусобақаларда назорат гуруҳига (НГ) киритилган турли тоифали бош ҳакамларнинг 10 та ўйинда майдонда босиб ўтган масофаларининг статистик характеристикаларини тажриба давомидаги

ўзгариш динамикасини таҳлили келтирилган. Ундаги маълумотлар НГ sinalувчиларининг ўрганилган топшириқ-тест бўйича тажриба бошидаги кўрсатган натижалари уларнинг тайёргарлик даражалари бир-бирларига жуда яқинлигини, яъни гуруҳдаги тайёргарлик даражаси жуда яхши эканлигини кўрсатди.

Жумладан, ушбу НГ sinalувчи ҳакамларининг ўрганилган тест бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик қийматларининг тажриба давомида нисбий ўсиши 2,39 % дан 4,41 % гача оралиқда тебранди ва НГ даги турли тоифали бош ҳакамларнинг 10 та ўйинда майдонда босиб ўтган масофаларининг ўртача арифметик қийматларини тажриба давомидаги ўртача нисбий ўсиши 3,47 % ни ташкил этди. Шунингдек, НГ бош ҳакамларининг 10 та ўйинда майдондаги босиб ўтган масофаларининг ўртача арифметик қийматларини тажриба давомидаги ўсишининг статистик ишончлиги стьюдент тақсимоти критик қийматлари асосида баҳоланиши ушбу гуруҳдаги ўсишлар 11 та sinalувчидан 3 тасида паст аҳамиятлилик даражасидаги ($P < 0,05$) статистик ишончли ва қолган 8 та ҳакам кўрсаткичларининг ўзгариши статистик ишончсиз ($P > 0,05$) эканлиги аниқланди.

Тажриба гуруҳи (ТГ) таркибига киритилган бош ҳакамларнинг тажриба бошидаги 10 та ўйинда майдондаги босиб ўтган масофаларининг ўртача арифметик қийматларини тажриба давомидаги ўзгаришида ҳам НГ даги сингари манзара кузатилди. Бу факт, ўз навбатида, педагогик тажриба бошида НГ ва ТГларга киритилган sinalувчиларнинг тайёргарлик даражаси яхши ва бир-бирига жуда яқинлигини аниқлаши билан бирга тажрибани тўғри ташкил этилганлигини кўрсатади.

Стьюдент тақсимоти критик қийматлари асосида баҳоланган “Ҳо-Ҳо” “А” тестини бажариш кўрсаткичининг гуруҳ бўйича ўртача арифметик қийматини педагогик тажриба давомида ўсишининг статистик ишончлилиги натижалари НГ sinalувчи ҳакамларининг 3 таси натижалари учун паст аҳамиятлилик даражасидаги ($P < 0,05$) статистик ишончли ва қолган 7 та ҳакамнинг ҳаммаси натижалари учун нормал аҳамиятлилик даражасидаги ($P > 0,05$) статистик ишончсиз эканлиги аниқланди. (5-жадвалда келтирилган)

НГдаги ҳакамлар учун гуруҳ бўйича умумий ўртача катталиқ педагогик тажриба давомида тажриба бошидагига нисбатан 5,27 % га яхшиланган. Шунинг билан бирга, бу нисбий ўзгариш учун $t=2,43$ га тенг бўлиб, мазкур ўзгариш паст аҳамиятлилик даражасидаги ($P < 0,05$) статистик ишончли эканлигини аниқлатади.

Стьюдент тақсимоти критик қийматлари асосида баҳоланган “Ҳо-Ҳо” “А” тестини бажариш кўрсаткичининг гуруҳ бўйича ўртача арифметик қийматини педагогик тажриба давомида ўсишининг статистик ишончлилиги натижалари ТГ sinalувчи ҳакамларининг 3 таси натижалари учун юқори аҳамиятлилик даражасидаги ($P < 0,001$) статистик ишончли ва қолган 7 та ҳакамнинг ҳаммаси натижалари учун яхши аҳамиятлилик даражасидаги ($P < 0,01$) статистик ишончли эканлиги аниқланди. (5-жадвалда келтирилган)

6-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳи футбол бош ҳакамларининг тест меъёрларини бажариш кўрсаткичларининг педагогик тажриба давомида ўзгариш динамикаси Ҳо-Ҳо “А” тести (секунд)

№	Ф.И.О.	Тоифа	Тажриба бошида		Тажриба охирида		t	P
			\bar{X}	σ	\bar{X}	σ		
Назорат гуруҳи								
1	К-в	1	6,53	0,49	6,16	0,44	1,78	>0,05
2	Ж-в	1	6,74	0,44	6,39	0,42	1,82	>0,05
3	Қ-в	1	7,12	0,42	6,74	0,37	2,15	<0,05
4	Н-в	1	6,85	0,45	6,51	0,41	1,77	>0,05
5	И-в	2	6,94	0,38	6,63	0,37	1,85	>0,05
6	Р-в	1	7,03	0,53	6,62	0,47	1,83	>0,05
7	Д-в	2	6,93	0,34	6,58	0,39	2,14	<0,05
8	Ф-в	1	6,98	0,5	6,57	0,48	1,87	>0,05
9	А-в	2	6,13	0,41	5,82	0,36	1,80	>0,05
10	Г-в	1	6,26	0,36	5,93	0,32	2,17	<0,05
Умумий ўртача			6,75	0,34	6,39	0,32	2,44	<0,05
Тажриба гуруҳи								
1	Н-в	1	6,93	0,55	6,07	0,45	3,83	<0,01
2	И-в	1	6,47	0,38	5,87	0,31	3,87	<0,01
3	Ч-в	1	6,68	0,46	5,77	0,36	4,93	<0,001
4	Р-в	1	7,46	0,49	6,68	0,41	3,86	<0,01
5	Х-в	2	7,69	0,46	6,97	0,37	3,84	<0,01
6	С-в	1	7,18	0,55	6,31	0,45	3,88	<0,01
7	Ш-в	2	6,33	0,44	5,47	0,34	4,89	<0,001
8	Н-в	1	6,98	0,55	6,12	0,44	3,86	<0,01
9	Т-в	2	6,26	0,42	5,6	0,34	3,85	<0,01
10	Л-в	1	7,27	0,43	6,42	0,34	4,90	<0,001
\bar{X}			6,93	0,49	6,13	0,48	4,21	<0,001

ТГдаги ҳакамлар учун гуруҳ бўйича умумий ўртача катталиқ педагогик тажриба давомида тажриба бошидагига нисбатан 11,51 % га яхшиланган. Шунинг билан бирга, бу нисбий ўзгариш учун $t=4,21$ га тенг бўлиб, мазкур ўзгариш юқори аҳамиятлилик даражасидаги ($P<0,001$) статистик ишончли эканлигини англатади.

Тажриба гуруҳи футбол бўйича бош ҳакамларининг “Ҳо-Ҳо” “А” тести меъёрларини бажариш кўрсаткичларининг статистик характеристикаларини педагогик тажриба давомида ўзгариш динамикасини таҳлили маълумотлари жадвалда келтирилган.

Ундаги маълумотларга кўра, ўрганилган тестлар бўйича кўрсаткичларнинг педагогик тажриба давомида нисбий ўсиши бўйича энг кам ижобий ўзгариш 8,16 % ни ва энг катта ижобий ўзгариш 14,98 % ни ташкил этган бўлса, ТГ бўйича ўртача нисбий ўсиш 12,0 % га тенг бўлди.

Назорат гуруҳи турли тоифа футбол бош ҳакамларининг танланган “Ҳо-Ҳо” “Б” тести меъёрларини бажариш кўрсаткичларининг статистик

характеристикаларини педагогик тажриба давомида ўзгариш динамикасини таҳлили маълумотлари 6-жадвалда келтирилган.

Ундаги маълумотларга кўра, НГ ҳакамларининг “Ҳо-Ҳо” “Б” тестини бажариш

кўрсаткичларининг педагогик тажриба давомида нисбий ўсиши бўйича энг кам ижобий ўзгариш 3,86 % ни ва энг катта ижобий ўзгариш 7,60 % ни ташкил этган бўлса, НГ бўйича ўртача нисбий ўсиш 5,47 % га тенг бўлди.

7-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳи футбол бўйича бош ҳакамларининг тест меъёрларини бажариш кўрсаткичлари статистик характеристикаларини педагогик тажриба давомида ўзгариш динамикаси Ҳо-Ҳо “Б” тести (метр)

№	Ф.И.О.	Тоифа	Тажриба бошида		Тажриба охирида		t	P
			\bar{X}	σ	\bar{X}	σ		
Назорат гуруҳи								
1	К-в	1	720,7	56,8	767,4	58,3	1,81	>0,05
2	Ж-в	1	681,5	39,7	712,6	37,4	1,80	>0,05
3	Қ-в	1	586,9	40,6	626,7	42,2	2,15	<0,05
4	Н-в	1	738,9	35,2	767,4	36,1	1,79	>0,05
5	И-в	2	647,16	41,04	682,09	35,53	1,78	>0,05
6	Р-в	1	647,16	41,04	682,09	40,53	1,83	>0,05
7	Д-в	2	647,16	41,04	682,09	41,10	1,84	>0,05
8	Ф-в	1	647,16	41,04	682,09	41,62	1,85	>0,05
9	А-в	2	647,16	41,04	682,09	41,78	1,86	>0,05
10	Г-в	1	647,16	41,04	682,09	41,80	1,87	>0,05
Умумий ўртача			647,16	41,04	682,09	41,82	1,89	>0,05
Тажриба гуруҳи								
1	Н-в	1	748,7	58,9	851,4	60,4	3,85	<0,01
2	И-в	1	754,9	42,4	829,2	43,6	3,86	<0,01
3	Ч-в	1	596,7	41,3	686,4	42,2	4,80	<0,001
4	Р-в	1	769,4	36,7	832,2	36,1	3,84	<0,01
5	Х-в	2	758,4	43,9	834,9	44,8	3,87	<0,01
6	С-в	1	622,9	42,7	716,2	43,8	4,82	<0,001
7	Ш-в	2	608,4	28,6	669,4	27,8	4,81	<0,001
8	Н-в	1	598,4	39,7	666,7	39,7	3,80	<0,01
9	Т-в	2	594,9	46,3	676,8	48,4	3,87	<0,01
10	Л-в	1	763,8	43,9	862,6	46,7	4,87	<0,001
Умумий ўртача			681,65	50,64	762,58	52,47	3,51	<0,01

ТГдаги ҳакамлар учун гуруҳ бўйича умумий ўртача катталиқ педагогик тажриба давомида тажриба бошидагига нисбатан 11,87 % га яхшиланган. Шунинг билан бирга, бу нисбий ўзгариш учун $t=3,51$ га тенг бўлиб, мазкур ўзгариш паст аҳамиятлилик даражасидаги ($P<0,01$) статистик ишончли эканлигини англатади.

Назорат гуруҳи футбол бўйича ёрдамчи ҳакамларининг “ARIET” тести меъёрларини бажариш кўрсаткичларининг статистик характеристикаларини

педагогик тажриба давомида ўзгариш динамикасини таҳлили маълумотлари 7-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Футбол бўйича ёрдамчи ҳакамларнинг назорат меъёрларини бажариш кўрсаткичларининг статистик характеристикаларини педагогик тажриба давомида ўзгариш динамикаси “ARIET” тести (метр)

№	Ф.И.О.	Тоифа	Тажриба бошида		Тажриба охирида		t	P
			\bar{X}	σ	\bar{X}	σ		
Назорат гуруҳи								
1	Ж-в	1	2856,6	188,74	3009,76	193,87	1,79	>0,05
2	Н-в	1	2911,4	220,34	3091,74	223,74	1,82	>0,05
3	О-в	1	3268,7	192,77	3455,66	194,87	2,16	<0,05
4	С-в	1	2714,7	134,88	2816,87	123,46	1,77	>0,05
5	А-в	2	2916,8	232,74	3102,16	231,96	1,78	>0,05
6	Н-в	1	3284,6	187,47	3434,78	183,09	1,81	>0,05
7	В-в	2	3342,8	163,74	3495,69	152,86	2,16	<0,05
8	Н-о	1	3287,4	182,88	3434,97	178,56	1,83	>0,05
9	О-в	2	2827,7	186,26	2979,56	181,74	1,85	>0,05
10	С-в	1	3367,9	258,86	3620,94	264,86	2,16	<0,05
Умумий ўртача			3077,86	200,64	3244,21	203,49	1,84	>0,05
Тажриба гуруҳи								
1	Б-в	1	2814,74	164,86	3098,84	163,84	3,87	<0,01
2	Й-в	1	2874,69	227,76	3271,86	232,78	3,86	<0,01
3	Й-в	1	3359,84	231,48	3874,83	246,74	4,81	<0,001
4	Н-в	1	2816,74	136,89	3046,74	128,64	3,89	<0,01
5	К-в	2	2784,94	217,86	3167,94	224,77	3,84	<0,01
6	Х-в	1	3379,83	233,66	3787,47	238,73	3,83	<0,01
7	Т-в	2	3489,62	206,86	3933,68	202,59	4,85	<0,001
8	Н-в	1	3386,69	163,83	3668,74	162,84	3,88	<0,01
9	А-в	2	2816,49	221,79	3205,83	229,87	3,82	<0,01
10	Н-н	1	3497,48	238,96	4014,78	247,49	4,76	<0,001
Умумий ўртача			3122,11	320,58	3507,07	382,88	3,85	<0,01

